
ФАРҒОНАДА ЭРОН СТАРТАП КОМПАНИЯЛАРИ ИШТИРОКИДА ТЕХНОПАРК ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, Марғилон шаҳридаги “Mr. fish company” МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси муассиси, эронлик ишбилармон Шафи Фулом Ризо ҳамда инвестор Катаюн Беҳзадини қабул қилди.

Учрашувда корхона томонидан балиқчилик, гиламчилик, балиқ озуқаси ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда келгуси режалар хусусида сўз борди.

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Марғилон шаҳридаги ўрганишлар жараёнида шаҳарнинг Йўрмадўз МФЙ ҳудудидаги собиқ тўқимачилик комбинати биносида фаолият олиб бораётган “Mr. fish company” корхонасида бўлиб, умумий 10 гектар майдонда, 6 гектар бино иншоотда ташкил этилган балиқчилик фаолияти билан танишар экан, етиштирилаётган балиқ ҳажми ҳамда яратилган иш ўринлари объект ҳажмига номутаносиб эканига эътибор қаратганди.

Шафи Фулом Ризо вилоят ҳоқимига корхона ҳудудида Эрон стартап компаниялари иштирокида Технопарк ташкил этиш борасида иш олиб борилаётганини маълум қилди. Эрондаги кичик ва ўрта бизнеснинг инновацион компаниялари бу лойиҳага катта қизиқиш билдираётганини қайд этган ишбилармон, стартаплар 500-2500 квадрат метрдан майдонга жойлаштирилишини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, бино томини кучлантирган ҳолда, томда 4 гектарлик гидропоника усулидаги иссиқхона ҳам барпо этишни режалаштирилаётгани билдирилди. Бунда тежамкор технологияларни қўллаш устуворлик касб этади, иссиқхона қуёш энергияси билан иситилади, балиқ етиштиришда фойдаланилган сув суғоришга йўналтирилади.

Вилоят ҳоқими ушбу лойиҳаларни маъқуллаб, уларни муваффақиятли амалга ошиши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирди.

Шафи Фулом Ризо шунингдек, корхонада ўлчами 30 метр квадратдан катта бўлган ипак гиламлар ишлаб чиқарилаётганини ва бу харидорлар ва туристларнинг катта эътиборини тортаётганини маълум қилиб, Фарғона ёки Марғилонда доимий ишловчи кўрғазма ташкил этиш режаси ҳам борлигини таъкидлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-23 11:54:57